

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ



Муминов Шерзод Холмирзаевич  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, и.ф.д. (DSc)

**Аннотация:** Мақолада хорижий давлатларда суғориш сувини етказиб бериш қийматининг шаклланиш таркиби, суғориш суви тарифи миқдори ва унинг сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини қоплашдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг замонавий усуллари ва воситалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** суғориш сувини етказиб бериш қиймати, суғориш суви тарифи, сув хўжалиги ташкилотлари харажатлари, усуллар ва воситалар.

**Аннотация:** В статье анализируется состав стоимости поливной воды в зарубежных странах, размер тарифов на поливную воду и ее роль в покрытии затрат водохозяйственных организаций. Также, освещаются современные методы и средства финансирования водной системы.

**Ключевые слова:** стоимость поливной воды, тариф на поливную воду, затраты водохозяйственных организаций, методы и инструменты.

**Abstract:** The article analyzes the composition of the cost of irrigation water in foreign countries, the size of tariffs for irrigation water and its role in covering the costs of water management organizations. Also, modern methods and means of financing the water system are highlighted.

**Keywords:** cost of irrigation water, tariff for irrigation water, costs of water management organizations, methods and tools.

### Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги тизимини молиялаштириш учун ажратилаётган маблағларнинг давлат бюджети харажатларидаги улуши – 3,6%, иқтисодиёт тармоқлари харажатларидаги улуши эса 27,5%ни ташкил этмоқда. Шунингдек, республика бюджетидан мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун ажратилган маблағларнинг асосий қисми ёки 54,0%и сув хўжалиги тизимини молиялаштириш учун йўналтирилмоқда [25]. Кўриниб турибдики, соҳани молиялаштиришда давлат бюджети маблағлари улуши юқориликка қолмоқда.

Ваҳоланки, хозирда жаҳон миқёсида сув хўжалиги тизимини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш билан бир қаторда, уларнинг тўлиқ ёки қисман харажатларини сув истеъмолчилари томонидан қоплашнинг молиявий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, соҳани молиялаштиришга хусусий капитални жалб қилиш ва сув хўжалиги активларини хусусий сектор томонидан бошқариш модели ва механизмларини амалиётга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу борада, суғорма деҳқончиликда қўшилган қиймат занжирини шакллантириш ёндашуви асосида сув хўжалиги тизими харажатларини қоплашнинг бозор механизмлари ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”, шунингдек, “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш” [Фармон, 2017] каби муҳим масалалар аниқ қилиб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорларида сувни етказиб бериш бўйича давлат томонидан қилинаётган харажатлар, хусусан, сув хўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш бўйича харажатларининг бир қисмини сув истеъмолчилари томонидан қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш [Фармон, 2019, Қарор 2019] борасидаги вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг бозор тамойиллари ва механизмлари асосланган хорижий давлатлар тажрибаси асосида Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини молиялаштириш тартибини тубдан такомиллаштиришни тақозо этади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Умуман олганда, сув хўжалигини молиялаштиришнинг назарий асосларида аксарият ҳолларда молиянинг классик назариясига таянилади, яъни соҳани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш механизми орқали амалга оширилади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат томонидан бошқариладиган ва молиялаштириладиган сув хўжалиги тизими кўплаб ривожланаётган мамлакатларда камбағалликни қисқартиришга, озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашга олиб келмади, қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам бермади, балки аксинча, экологик мувозантнинг ёмонлашишига олиб келди. Бунга суғориш учун сувни ўйламасдан ишлатилиши ҳисобига оғир ижтимоий ва экологик оқибатларга олиб келган Орол денгизи яққол мисол бўлади [7].

Юқорида келтирилган фикрларни Жаҳон банки экспертлари тасдиқлаган ҳолда қўйидаги фикрларни беришган: дунёнинг суғориш тизими ривожланган аксарият давлатлар ушбу тизимларни эксплуатация қилиш учун молиявий ресурсларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги муаммосига дуч келмоқда. Ваҳоланки, суғоришни молиялаштириш механизми хизмат кўрсатиш самарадорлигини белгилайди: харажатларни қоплаш, жумладан, зарур техник хизмат кўрсатиш даражасининг юқори ўсиш даражаси суғориш тизими самарадорлигининг юқори бўлишига имкон яратади [4].

Шу ўринда сув хўжалиги тизимини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чегараланганлиги моҳияти тадқиқотчи А.В.Давыдов томонидан очиб берилган, унинг фикрича, бугунги кунда тўловларни ундириш ва тушириш тартиби бюджетга йўналтирилган. Бундай схемада сув хўжалигидаги ҳақиқий харажатлар ва унга киритиладиган инвестициялар ўрасидаги боғлиқлик ўзилади. Бюджетда

тўпланган маблағлар мақсадли эмас ва уларнинг кичик қисмигина сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилади [18]. Айнан бундай тизимни бугунги кунда Ўзбекистон сув хўжалигини молиялаштиришда ҳам кўриш мумкин.

Бундай шароитда сув хўжалигини молиялаштириш учун йўналтирилаётган давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, уларнинг миқдорини камайтириш ва оптималлаштиришни давлат-хусусий шериклик механизми орқали амалга ошириш мумкин. Маълумки, сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида давлат-хусусий шериклик асосида сув хўжалигини бошқариш ва молиялаштириш амалиёти кенг қўлланилмоқда ва бу ўзининг ижобий жиҳатлари ва самарадорлигини кўрсатмоқда.

Сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг асосий бозор механизми ва молиявий воситаси сув тарифи (тўлов) ҳисобланади. Сув хўжалиги тизимини молиялаштириш нуқтаи назаридан суғориш суви учун нарх ва тариф сиёсатини шакллантириш бўйича замонавий илмий ва амалий аҳамиятга молик бир қатор тадқиқотлар олиб борилган [16, 13]. Жумладан, суғориш суви тарифи асосчиларидан ҳисобланган муаллифлар жамоаси амалий аҳамияти юқори бўлган ёндашувни берган ва уларнинг фикрича, самарали тариф (тўлов) сиёсати – сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини қоплаши ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим [15].

Доктор Gerhard R.Backeberg ва бошқаларнинг фикрича, одатда, сув тарифини белгилаш иқтисодий сиёсат воситаси сифатида давлат бюджети камомадини бартараф этиш ва сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланишга бўлган муносабатини ўзгартиришни назарда тутати [9].

Жумладан, таниқли иқтисодчи олимлар F.Molle ва J.Berkoff суғориш суви тарифини аниқлаш асосида иккита мураккаб соҳа уйғунлиги ётишига асосий эътиборни қаратишади ва қуйидаги фикрга келишади: бир томондан, фермер хўжаликларининг миллий иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги сиёсати бўлса, иккинчи томондан эса, даладаги суғориш хусусияти, ирригация тизими ва дарё ҳавзаси ҳамда умумий сув сиёсатининг ўзаро боғлиқлигидир [12].

Фикримизча, бевосита қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлар нуқтаи назаридан амалий аҳамиятга молик таъриф Y.Gonzalez-Alvarez, A.G.Keeler, ва J.D.Mullenлар томонидан берилган ва уларнинг фикрича, суғориш суви учун тўлов белгилаш фермерлар суғориш самарадорлигини ошириш, экинларни камроқ суғориш, тупроқ намлиги ва суғориш вақтига кўпроқ эътибор берилишига олиб келади [6].

Шунингдек, тариф сиёсати бевосита сув ресурсларига бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келади ва бу жараён сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни квоталар дастаги орқали бошқарилади.

Жумладан, A.Chohin-Kuper, T.Rieu ва M.Montginoulлар фикрича, квоталар ишлатилган сув ҳажми, етказиб бериш вақти ёки сарфига қараб белгиланиши мумкин [3]. Агар сувга бўлган талабни бошқариш учун самарали назорат тизими ва санкциялар мавжуд бўлса, квоталарни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Чекланган сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш учун квоталар ажратиш жараёнини рағбатлантирувчи нарх сиёсати уйғунлигида амалга ошириш

мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, квоталар сув бозорларига айланди. Сув бозорлари назарияси R.R.Hearne ва K.W.Easter томонидан тадқиқ этилган бўлиб, уларнинг фикрича, сув бозорлари фаолияти хусусий мулк ҳуқуқларини белгилаш ва уларни бозорда алмашишга асосланади ҳамда улар сув тарифи ва ҳажмини ўз ичига олади [8]. Сувдан фойдаланиш барқарорлигини таъминлаш учун сув ресурсларига бўлган мулк ҳуқуқлари йиғиндиси мавжуд ресурслардан ошмаслиги лозим. Сув бозорлари сув ҳажмини аниқлашга имкон яратади ва талабни бошқаришда рағбатлантирувчи дастак ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада таҳлилнинг анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантиқий фикрлаш каби анъанавий усулларида фойдаланилди. Хорижий мамлакатларнинг иқтисодчи олимлари ва тадқиқотчиларининг сув хўжалиги тизимини молиялаштиришга оид фикр ва мулоҳазалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинди ва натижалари асосида хулосалар шакллантирилган.


#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини молиялаштиришнинг мавжуд амалиётини такомиллаштиришда молиялаштиришнинг илмий-методологик ёндашувлари билан бир қаторда хорижий давлатларда самарали қўлланилаётган молиялаштиришнинг замонавий усуллари ва воситаларини чуқур тадқиқ этиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш амалиётида давлат ва хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш тартиб ва тамойиллари, шунингдек, молиялаштиришни рағбатлантирувчи бозор усуллари ва воситаларидан муваффақиятли фойдаланиб келаётган давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб чиқамиз.

Сув хўжалиги тизимини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш. Халқаро экспертлар фикрича, сув хўжалиги тизимини молиялаштириш манбаларида давлат иштироки кўлами ҳар хил бўлиб, у сув хўжалиги соҳасининг таркибий қисмига, мамлакатда ишлатилаётган сув ресурсларини бошқариш усуллари ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Умуман олганда, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда сув хўжалиги соҳасига киритилаётган инвестицияларнинг 70%и давлат томонидан молиялаштирилади [11]. Кўриниб турибдики, сув хўжалиги тизимини давлат ҳисобидан молиялаштиришнинг устуворлиги доимий сақланиб қолмоқда ва бу, асосан, йирик сув инфратузилмаларини қуриш, эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлиб, одатда, тўғридан-тўғри молиялаштириш, субсидиялар ва дотациялар каби иқтисодий воситалар асосида амалга оширилмоқда. Бироқ, кўпгина давлатларда сув хўжалиги тизимининг ўрта ва қуйи бўғинларининг капитал қўйилмалари, эксплуатация қилиш харажатлари сув истеъмолчилари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштирилмоқда ва бунда, асосан, суғориш сувини етказиб бериш қийматини ҳисоблаш асос қилиб олинади.

Бугунги кунда кўпгина давлатларда сув хўжалиги тизимини давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш бўйича лойиҳалар самарали амалга оширилмоқда. Бунда сув хўжалиги тизимини бошқариш ҳуқуқи ва молиялаштириш шартнома асосида хусусий секторга берилади. Кўпгина ҳолларда соҳани молиялаштириш учун давлат бюджети маблағларини қисқартириш мақсадида

хусусий сектор жалб қилинади.



1-расм. Мароккода суғориш тизимини давлат хусусий-шериклик асосида бошқариш ва молиялаштириш лойиҳаси [14]


Бунга яққол мисол тариқасида дунё миқёсида биринчилардан бўлиб, Мароккода суғориш тизимини давлат хусусий-шериклик (ДХШ) асосида бошқариш ва молиялаштириш лойиҳаси самарали амалга оширилган. Лойиҳани амалга оширишнинг асосий сабаби – Тароудан вилоятининг Гуардан туманидаги ер ости суви сатҳи ўртача 2,5 метрга тушиб кетганлиги, хусусий қудуқларнинг кўп қисми қуриб қолганлиги ва сув тортиб олиш учун харажатларнинг кескин ошиб кетганлиги бўлган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида 300 километрлик суғориш тизимини қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш механизмларини 1-расмда кўриш мумкин.



Шунга ўхшаш лойиҳалар Бразилия, Перу, Кения, Миср, Хиндистон ва бошқа давлатларда самарли амалга оширилган.

Сув ҳўжалиги тизимини сув тарифларини белгилаш усулида молиялаштириш. Суғориш сувини етказиб бериш қиймати турли хил кўрсаткичларга, хусусан, суғориш тизими топографияси, тури ва ҳажми, суғориш инфратузилмаси ва хизмат муддати, сув ресурслари хусусиятлари, иқлим ва иқтисодий шароитлар, шунингдек, иш ҳақи каби харжатларга қараб ўзгариб туради. Ҳисоб-китоб қилинган харажатлар сув инфратузилмаларига техник хизмат кўрсатиш учун молиявий маблағлар етарли бўлмаганда ҳақиқий харажатлардан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, айниқса бундай тафовутларни ривожланаётган мамлакатларда кузатиш мумкин. Бу ҳолда, техник хизмат кўрсатиш харажатлари, одатда, жуда паст бўлади.

Бундай ҳолат сув ҳўжалиги инфратузилмалари ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади. Шу ўринда суғориш сувини етказиб бериш қийматини айрим давлатлар мисолида таҳлил қилиб чиқамиз (2-расм).



**2-расм. Хорижий давлатларда турли шароитларда суғориш сувини етказиб бериш қийматининг шаклланиш таркиби**

*Манба: Крутов А.Н. Определение стоимости услуг по поставке воды для целей ирригации. // Научно-практический журнал № 1, 2019 г. – С. 60-76 мақола маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Кўриниб турибдики, хорижий давлатларда эксплуатация қилиш, асосан электр энергия, иш ҳақи ва техник хизмат кўрсатиш харажатларидан таркиб топган ҳамда таҳлил қилинаётган давлатларда унинг жами харажатлардаги улуши 80-30% оралиғида бўлмоқда.

Исроил, Бразилия ва Мароккода (ORMVA Moulouya) капитал қўйилмалар улуши эксплуатация харажатлари улушига нисбатан анча юқори ва мос равишда 70%, 65% ва 60%ни ташкил қилмоқда. Жумладан, бу улуш Франциянинг Канал Жиньяк сувдан фойдаланувчилар уюшмасида 80%га 20% улушни ташкил этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, капитал қўйилмалар улушининг юқорилиги суғориш инфратузилмалари янгиланиши билан бевосита боғлиқ.

Эксплуатация харажатлари таркибининг шаклланиши оқар сув ва насос орқали сув етказиб бериш усуллари бўйича кескин фарқ қилса-да, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари миқдори билан ҳам бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, суғориш тизимларининг самарали ҳамда барқарор ишлаши ва тизимда хизмат кўрсатишдаги асосий муаммо бу суғориш сувини етказиб бериш хизмати харажатларини молиялаштиришнинг самарали механизмини амалиётда жорий этишдир. Албатта, хорижий давлатларда бу муаммо, асосан, сув тарифи сиёсати билан бевосита боғлиқ.

Хорижий давлатларда сув тарифи сиёсатининг асосий мақсади бу эксплуатация харажатларини тўлиқ, айрим давлатларда капитал харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш ҳисобланади. Самарали тариф сиёсатида суғориш сувини етказиб бериш харажатларини қоплаш ва сув хўжалиklarининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун тўловларни йиғиб олишнинг юқори даражасига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар бир давлатда суғориш суви тарифини белгилашда турлича ёндашувлар бўлиб, ягона усул қўлланилмайди. Таҳлил қилинаётган давлатларда суғориш суви тарифи, асосан, сув ҳажми, суғорилган майдон ва икки ставкали тариф, яъни сув ҳажми ва суғорилган майдон уйғунлигида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кесимида алоҳида белгилаш тизими қўлланилмоқда.

Таҳлил қилинаётган давлатлардан Австралия ва Иорданияда суғориш суви тарифи тўлиқ сув ҳажмига боғланган. Австралияда тариф миқдори ҳудудлар бўйича турли хил бўлиб, ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажми учун 1,2-10,16 АҚШ доллари оралиғида бўлиб, эксплуатация харажатларини қоплаш даражаси 90-100%ни ташкил этади. Ҳар бир ҳудуд бўйича тариф миқдорида катта тафовут бўлиб, у оқар ва насос орқали сув етказиб бериш усуллари билан бевосита боғлиқ.

Иорданияда мамлакат бўйича ўртача суғориш суви тарифи миқдори ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажмига 21,13 АҚШ долларини ташкил қилиб, эксплуатация харажатларининг 50%и тариф ҳисобидан қопланади (2-расм).

Португалиянинг Соррайя ҳудудида гуруч, маккажўхори ва помидор учун тариф миқдори мос равишда ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажмига 9,9, 12,3 ва 15,6 АҚШ долларини ташкил қилади ва эксплуатация харажатлари тариф ҳисобидан тўлиқ қопланади.

Францияда суғориш суви учун тариф белгилашнинг асосий мақсади сув хўжалиги тизимини давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни қисқартириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Франциянинг Адур-Гарон ҳудудида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажмига 5,3 АҚШ доллари, Роно ҳудудиининг ер усти сувлари учун – 3,1 АҚШ доллари ва ер ости сувлари учун –

6,5 АҚШ доллари миқдорида белгиланган ва эксплуатация харажатлари 100% тариф ҳисобидан қопланади.

Франция (Роно ҳудуди - ер ости сув)	6,5	100%
Франция (Роно ҳудуди - ер усти сув)	3,1	100%
Франция (Адур-Гарон ҳудуди)	5,3	100%
Франция (ўртача каналлар бўйича)	77,0	100%
Португалия (Соррайя ҳудуди - помидор)	15,6	100%
Португалия (Соррайя ҳудуди - маккажўхори)	12,3	100%
Португалия (Соррайя ҳудуди - гуруч)	9,9	100%
Португалия (ЕFМА суғориш тизими)	35,2	100%
Испания (Андалусия ҳудуди)	27-133	100%
Иордания (ўртача мамлакат бўйича)	21,3	50%
Австралия (Виктория ҳудуди)	4,4	90%
Австралия (Мюррей-Дарлинг дарё хавзаси)	10,2	60%
Австралия (Янги Жанубий Уэс, Квинсланд ҳудуди)	1,2-7,39	100%
АҚШ доллари / 1000 м <sup>3</sup>		Эксплуатация харажатларини қоплаш даражаси

### 3-расм. Хорижий давлатларда суғориш суви тарифи миқдори ва унинг сув ҳўжалиги ташкилотлари харажатларини қоплашдаги ўрни (сув ҳажми учун)

*Манба: Крутов А.Н. Определение стоимости услуг по поставке воды для целей ирригации. // Научно-практический журнал № 1, 2019 г. – С. 60-76 мақола маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

Испаниянинг Андалусия ҳудудида суғориш суви тарифи ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажми учун 27-133 АҚШ доллари, суғорилган майдон учун эса – 90-129 АҚШ доллари/га миқдорида белгиланган ва 100% эксплуатация харажатлари ва 26% капитал харажатлар тариф ҳисобидан қопланади.

Португалиянинг EFMA суғориш тизимида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажми учун 35,2 АҚШ доллари ва суғорилган майдон учун эса – 22,0 АҚШ доллари/гани ташкил этади (4-расм). Сув ҳўжалиги ташкилотининг эксплуатация харажатлари тўлиқ ва капитал харажатларининг 23,0%и тариф ҳисобидан қопланади [10].

Франциянинг каналларни бошқариш тизимида суғориш суви тарифи миқдори ҳар минг м<sup>3</sup> сув ҳажми учун – 77,0 АҚШ долларини, суғориладиган ҳар бир гектар учун – 39,6 АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса, ушбу тизимнинг 100% эксплуатация харажатлари ҳамда 15-60% капитал харажатлари сув тарифи ҳисобидан қопланади [10].

Бангладешда суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов суғориладиган майдонга боғлиқ бўлиб, ҳудудлар бўйича турлича миқдорда белгиланади. Жумладан, Мегна-Донагога ҳудудида тариф миқдори ҳар бир гектар учун 7,65-21,25 АҚШ долларини ташкил қилади ва эксплуатация харажатларининг атиги 12-25%и тариф ҳисобидан қопланади. Шимолий Бенгалия ҳудудида тариф миқдори 63,0 АҚШ доллари/гани ташкил этади ва эксплуатация харажатларининг 65%и тариф ҳисобидан қопланади.

Испаниянинг Виар ҳудудида суғориш суви тарифи миқдори суғориладиган



майдон учун – 116,5 АҚШ доллари/гани ташкил қилади ва 100% эксплуатация харажатлари тариф ҳисобидан қопланади.

Франция (ўртача каналлар бўйича)	39,6	100%
Туркия (Марказий Анатолия ҳудуди - пахта (насос орқали))	44,0	70%
Туркия (Марказий Анатолия ҳудуди - пахта (оқар сув))	19,8	70%
Туркия (Ўрта ер денгизи ҳудуди - пахта (насос орқали))	96,5	70%
Туркия (Ўрта ер денгизи ҳудуди - пахта (оқар сув))	49,3	70%
Мексика (Кортасар ҳудуди)	33,0	73%
Мексика (ўртача мамлакат бўйича)	60,0	68-80%
Португалия (EFMA суғориш тизими)	22,0	100%
Италия (Consorzio di Bonifica e Irrigazione ҳудуди)	39,6	100%
Испания (Дарёлар ҳавза агентлиги)	59,4	100%
Испания (Виар ҳудуди)	90-142,9	100%
Испания (Андалусия ҳудуди)	90-129	100%
Бангладеш (Шимолий Бенгалия ҳудуди)	63,0	65%
Бангладеш (Мегна-Донагога ҳудуди)	7,65-21,25	12-25%

АҚШ доллари / га

Эксплуатация харажатларини қоплаш даражаси

#### 4-расм. Хорижий давлатларда суғориш суви тарифи миқдори ва унинг сув хўжалиги ташкилотлари харажатларини қоплашдаги ўрни (суғориладиган майдон учун)

Манба: Крутов А.Н. Определение стоимости услуг по поставке воды для целей ирригации. // Научно-практический журнал № 1, 2019 г. – С. 60-76 мақола маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Италиянинг Consorzio di Bonifica e Irrigazione ҳудудида суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов миқдори ҳар бир гектар суғориладиган майдон учун 39,6 АҚШ долларини ташкил қилади, сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари 100% тариф ҳисобидан қопланади.

Мексикада мамлакат бўйича ўртача суғориш суви тарифи миқдори суғориладиган майдон учун – 60 АҚШ доллари/га бўлса, Кортасар ҳудудида тариф миқдори қарийб 2 мартага паст ёки ҳар бир суғориладиган майдон учун 33,0 АҚШ доллари/гани ташкил қилади. Сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатларининг ўртача 68-80%и тариф ҳисобидан қопланади.

Туркияда суғориш суви тарифи миқдори ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинлари ва суғориш усулларида келиб чиқиб, турли хил бўлади. жумладан, оқар сув орқали суғориш усулида пахта етиштирувчилар учун тариф миқдори суғориладиган майдон учун ўртача – 19,8-49,5 АҚШ доллари/га оралиғида бўлса, насос орқали сув етказиб бериш учун тўлов миқдори ўртача – 44-69,5 АҚШ доллари/га оралиғини ташкил этади. Бунинг ҳисобига сув хўжалиги ташкилотларининг 70% эксплуатация харажатлари қопланади. Бироқ Туркиянинг амалдаги қонуний-меъёрий ҳужжатларида суғориш сувини етказиб бериш харажатлари капитал, эксплуатация харажатларини қамраб олади [5].

Шу билан бир қаторда, юқорида таҳлил қилинган давлатлардан ташқари, бошқа давлатларда ҳам тариф сиёсати бўйича турли хил эътиборга лойиқ тажрибаларни кўришимиз мумкин. Жумладан, АҚШда суғориш сувини етказиб бериш бўйича тарифни белгилаш ҳуқуқи ҳар бир штатнинг ўзига берилган. Шу нуқтаи назардан, АҚШда бир қанча тарифлар ишлатилади ва уларни аниқлашда қуйидаги омиллар: етказиб берилган сув ҳажми ва суғориладиган майдон учун, бунда ерларнинг бонитет балли, мелиоратив ҳолати ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги экиннинг даромадлиги,

шунингдек, мавсумийлик, ажратилган сув квоталаридан фойдаланиш улуши, сув манбалари турларини инобатга олган уйғунлашган тарифлар асос қилиб олинган [17].

Суғорма деҳқончиликда сув тарифлар эксплуатация харажатларини тўлиқ қоплаш, капитал учун фоизлар ва ўртача фойда меъёри олиш асосида белгиланади. *Осиёнинг айрим давлатларида* суғориш суви учун тўлов бўйича ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, суғорма деҳқончиликда етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олинган даромадидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Халқаро экспертлар тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, фермерларнинг етиштирилган маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари таркибидан суғориш суви учун тўлов миқдори Непалда – 5%, Покистонда – 6%, Индонезияда – 8% ва Тайландда – 9%ни ташкил этмоқда. Ушбу ёндашув шунга таянадикки, ҳосилнинг шаклланишида сувнинг улуши 70-90%ни ташкил этади, шундай экан сувни етказиб берувчи ташкилотлар ва инфратузилмалар суғорма деҳқончиликда ялпи даромадни яратиш қатнашчилари ҳисобланади.

Кўпгина хорижий давлатлар суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов амалиёти шуни тасдиқламоқдаки, суғорма деҳқончиликдан олинган ялпи даромадда сув хўжалиги ташкилотларининг йиллик эксплуатация харажатлари 2-4% атрофида бўлиши лозим [19].

Юқорида суғориш сувини етказиб бериш қиймати ва суғориш суви тарифи бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибасидан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир давлатда суғориш сувини етказиб бериш қиймати ва тарифлар миқдорини аниқлаш бўйича ёндашувлар турлича бўлиб, тарифлар миқдори кескин фарқ қилади. Аксарият Европа Иттифоқи давлатларида сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатлари тўлиқ ва капитал харажатларнинг сезиларли қисми тарифлар ҳисобидан қопланмоқда.


Хорижий давлатларда сув хўжалиги тизимини молиялаштиришда тариф сиёсати билан бир қаторда, турли хил бозор усуллари ва воситаларидан ҳам фойдаланилади. Жумладан, айрим хорижий давлатларда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи (квота) савдоси ва сув бозорлари мавжуд. Бунда сув нархи бозор савдолари тизими орқали аниқланади ва бу сув ресурсларини қайта тақсимлаш ва нарх шаклланишининг муқобил стратегияси, яъни сувдан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ёки белгиланган ҳажмда сувдан мавсумий ёки вақтинчилик фойдалана олишни таъминловчи спот бозоридаги сув учун квота ҳисобланди [26].

Демак, дунё миқёсида энг ривожланган сув бозорлари, асосан, Австралия ва АҚШ давлатларига тўғри келади. Хусусан, Австралиянинг Мюррей-Дарлинг дарё ҳавзаси ва АҚШнинг ғарбий штатларидаги ярим қурғоқчил ҳудудларда юзага келган сув танқислиги, сувни сув истеъмолчилари ўртасида қайта тақсимлаш заруратини келтириб чиқарди, бу эса ушбу ҳудудларда сув бозорининг ривожланишига олиб келди. Шунингдек, сув ресурслари савдоси амалиёти ривожланган давлатлар бу – Чили ва Испания бўлиб, ушбу давлатларда бозорнинг энг фаол даври қурғоқчил мавсум ва савдоларнинг асосий қисми ноқонуний бозорга тўғри келади. Сув бозорлари Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Африка ва бир қатор Европа давлатларида (Буюк Британия ва Уэльс) шаклланиш босқичида турибди [23].

*Австралияда* сув бозорлари ривожланишига 1994 йилда ердан фойдаланиш ҳуқуқидан сувдан фойдаланиш ҳуқуқининг қонуний ажратилиши сабаб бўлган,

кейинчалик 1995 йили Мюррей-Дарлинг дарё ҳавзасида квоталаш тизимининг белгиланиши сув бозорлари ривожланишини янада рағбатлантирди. Квота йилда бир марта белгиланиб, мавжуд сув ҳажми сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни: сувдан фойдаланиш ҳуқуқи – жами сув ҳажмига нисбатан белгиланган улушдан доимий фойдаланиш; ёки сув учун квота – белгиланган сув ҳажми учун ҳуқуқ асосида сув истеъмолчилари ўртасида тақсимланади [28]. Бугунги кунда сув таъминоти ташкилотлари саноат корхоналари ва шаҳар аҳолисини сувга бўлган талабини қондириш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектлардан сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ва сув учун квотани сотиб олиши мумкин [30].

Барча сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва тегишли сув ҳажмлари давлат реестрида рўйхатга олинади ва ҳар бир бозор қатнашчиси сув савдолари ва қайта тақсимланишини онлайн режимда кузатиб бориши мумкин [31]. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи махсус сайтда Waterfind [31] ва сув биржаларида сотилади. Мюррей-Дарлинг дарё ҳавзасида сув бозори фаолиятининг умумий тамойиллари 5-расмда келтирилган.



5-расм. Мюррей-Дарлинг дарё ҳавзасида сув бозори фаолиятининг умумий тамойиллари [21]

Демак, 2016-2017 йилларда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи бозорида Мюррей-Дарлинг дарё ҳавзасининг жанубий ҳудудларида ўртача сув нархи минг м<sup>3</sup> учун 1 300 АҚШ доллари, шимолий ҳудудларда – 990 АҚШ доллари/минг м<sup>3</sup>ни ташкил этган. Сув бозорлари энди шаклланаётган 1980 йиллар ўртасидаги бу нарх минг м<sup>3</sup> учун 173 АҚШ доллари бўлган [22]. Жумладан, квота савдолари бозорининг айланмаси 2016-2017 йиллар мобайнида 100 млн.АҚШ долларини ёки квоталар бозоридан ўртача нарх минг м<sup>3</sup> учун 24 АҚШ долларини ташкил этган [27]. Шунингдек, таҳлил қилинаётган йилларда сувдан фойдаланиш ҳуқуқи савдолари бозорининг айланмаси – 800 млн.АҚШ долларини ташкил этган бўлса [23], 2017 йил охири билан бу

кўрсаткич мамлакат бўйича 1 600 млн.АҚШ доллариغا етган.

АҚШда сув савдоси механизми ҳар бир штатнинг сув қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади ва мамлакатда жами 25 та маҳаллий сув бозорлари мавжуд бўлиб, улардан асосийси – сув ресурслари танқис бўлган Аризона, Калифорния, Колорада ва Нью-Мексика штатларида жойлашган [28].

АҚШнинг ғарбий шататларида олинаётган сув ресурсларининг 74%и суғорма деҳқончиликка тўғри келади ва бу кўрсаткич ўртача мамлакат бўйича 40%ни ташкил этади. Шу ўринда, АҚШнинг сув савдолари бозори Австралия тизимига ўхшаш бўлиб, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин. Сўнгги 10 йил ичида ғарбий штатларда сув савдолари бозори айланмасининг ўртача йиллик ҳажми 385 млн.АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2015 йилда савда фаоллиги кузатилди ва йиллик савдо айланмаси 500 млн. АҚШ доллариغا етди ва бу Калифорния штатида юзага келган кучли қурғоқчилик билан боғлиқ [24]. Жумладан, АҚШда мамлакат бўйича 2015 йил охирига келиб, сув бозорлари айланмаси – ўртача 800 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Савдо айланмасида асосий ўринни сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ижарага бериш эгаллаган бўлса-да, сувдан фойдаланишнинг доимий ҳуқуқини сотиш ҳам қиймат нуқтаи назаридан сезиларли улушни эгаллайди. Жумладан, 2015 йилда сувдан фойдаланишнинг доимий ҳуқуқини сотишнинг ўртача қиймати 29,3 АҚШ доллари/м<sup>3</sup>ни ташкил қилди [24]. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари бозорида асосий сотувчи қишлоқ хўжалиги бўлиб, сотиб олувчи эса, асосан, маиший-коммунал хўжалиги ҳисобланади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида келтирилган хорижий давлатлар тажрибасидан Ўзбекистон шароитида самарали фойдаланиш мумкин бўлган молиявий усуллар ва иқтисодий воситалар, бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат:

– сув хўжалиги ташкилотларининг сув етказиб бериш билан боғлиқ харажатларини қоплашда ташкилотнинг эксплуатация харажатларини тўлиқ ва капитал харажатларини қисман қоплаш ҳамда ташкилотнинг меъёрий фойдаси билан боғлиқ усуллар (АҚШ, Туркия, Испания ва бошқа давлатлар тажрибаси);

– суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўлов методологиясини ишлаб чиқиш бўйича етказиб берилган сув ҳажми ва суғориладиган майдон учун, бунда ерларнинг бонитет балли, мелиоратив ҳолати ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинининг даромадлилиги каби иқтисодий механизмлар ва воситалар (асосан, АҚШ тажрибаси);

– келажакда вилоятлардаги сув тақсимоти ва юзага келадиган сув танқисликларини бартараф этиш бўйича сувдан фойдаланиш ҳуқуқи ва сув учун квота белгилаш методологиясини ишлаб чиқиш (АҚШ ва Австралия тажрибалари);

– сув танқислиги ҳисобига фойдаланишдан чиқиб кетган ва янги суғориладиган майдонларни очишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, бошқариш бўйича давлат-хусусий шерикликнинг самарали қўлланилган молиявий усуллари ва иқтисодий воситалари (Марокко ва Перу тажрибаси).

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сон Фармони ва 2019 йил 9 октябрдаги "Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4486-сон Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Chohin-Kuper A., Rieu T., Montginoul M. Water Policy Reforms: Pricing Water, Cost Recovery, Water Demand and Impact on Agriculture. Lessons from the Mediterranean Experience. Proceedings of the Water Pricing Seminar, Agencia Catalana del Agua and World Bank Institute, Barcelona, 30 June – 2 July 2003. P. 1-25.

4. Easter K. William, Liu Yang. Cost recovery and water pricing for irrigation and drainage projects. Report Number 37027; Vol. No 1; Total Volume(s) 1 Washington, DC: World Bank. P. 62

5. Erol H. Cakmak. Agricultural Water Pricing: Turkey / Background reports supporting the OECD study (2010) / Middle East Technical University, Ankara, Turkey. P. 28.

6. Gonzalez-Alvarez, Y., A.G. Keeler, and J.D. Mullen. 2006. "Farm-Level Irrigation and the Marginal Cost of Water Use: Evidence from Georgia." Journal of Environmental Management 80(4): P. 311–317.

7. Gurria A., Hofwegen P. Task Force on Financing Water For All - Report 1. Enhancing Access To Finance For Local Governements - Financing Water For Agriculture. World Water Council. 2006. ISBN: 92-95017-12-9. P. 61.

8. Hearne R.R., Easter K.W. Water Allocation and Water Markets. An Analysis of Gains-from-Trade in Chile. World Bank Technical Paper// No. 315. 1995. P. 75.

9. ICID News. 2014. First Quarter. Financing Water for Agriculture. P. 3-5. [https://www.icid.org/icidnews\\_14\\_1.pdf](https://www.icid.org/icidnews_14_1.pdf)

10. Julio Berbel, M. Mar Borrego-Marin, Alfonso Exposito, Giacomo Giannoccaro, Nazaret M. Montilla-Lopez and Catarina Roseta-Palma. Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe. / Water Policy 21 (2019). P. 806–825. doi.org/10.2166/wp.2019.197

11. Managing Water for All: An OECD Perspective on Pricing and Financing // OECD. Paris, 2009. P. 151.

12. Molle F., Berkoff J. 2007. Irrigation Water Pricing: The Gap between Theory and Practice. British Library: London, UK. P. 261.

13. Perry C.J., Seckler D., Rock M.T., Seckler D.W. (1997) Water as an Economic Good: A Solution, or a Problem? Research Report 014; International Irrigation Management Institute: Colombo, Sri Lanka, P. 17.

14. Public-Private Partnership Impact Stories. Morocco: Guerdane Irrigation. IFC Advisory Services in Public-Private Partnerships 2121 Pennsylvania Ave. NW Washington D.C. 20433. 08/2013. P. 1-2. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

15. Robert C. Johansson, Yacov Tsur, Terry L. Roe, Rachid Doukkali, Ariel Dinar. Pricing irrigation water: a review of theory and practice, Water Policy 4, 2002, P. 173-199.

16. Tsur Y., Dinar A. 1997. "On the Relative Efficiency of Alternative Methods for Pricing Irrigation Water and Their Implementation," World Bank Economic Review, 11: P.243-262.



17. Ward F.A. 2010. Financing Irrigation Water Management and Infrastructure: A Review. *Water Resources Development*, Vol. 26, No. 3, P. 321–349. DOI: 10.1080/07900627.2010.489308
18. Давыдов А.В. Организация управления водохозяйственной деятельностью в современных условиях. // *Региональная экономика: теория и практика*. 26 (11 9) – 2009. – С. 34-37
19. Духовный В.А. Финансовые и экономические инструменты (финансирование отрасли – роль государства, плата за воду и услуги и др.) / В.А. Духовный, М.А. Пинхасов, Н.Н. Мирзаев. – 2009. – С. 1-28. <http://www.cawater-info.net/bk/iwrm/pdf/049.pdf>
20. Крутов А.Н. Определение стоимости услуг по поставке воды для целей ирригации // *Научно-практический журнал* № 1, 2019 г. – С. 60-76.
21. [http://data.daff.gov.au/data/warehouse/9aaw/2018/AModelOfWaterTradeAndIrrigation\\_20180207/AModelOfWaterTradeAndIrrigation\\_20180207\\_v1.0.0.pdf](http://data.daff.gov.au/data/warehouse/9aaw/2018/AModelOfWaterTradeAndIrrigation_20180207/AModelOfWaterTradeAndIrrigation_20180207_v1.0.0.pdf)
22. <http://iopscience.iop.org/article/10.1088/1748-9326/aaac08/pd>
23. <http://www.agriculture.gov.au/abares/researchtopics/water/aust-water-markets-reports#southern-murraydarling-basin>
24. [http://www.waterexchange.com/wp-content/uploads/2017/01/WMI\\_2016Q2\\_011117.pdf](http://www.waterexchange.com/wp-content/uploads/2017/01/WMI_2016Q2_011117.pdf)
25. <https://openbudget.uz/#/>
26. [https://www.iatp.org/files/2013\\_03\\_27\\_WaterTrading\\_SV\\_0.pdf](https://www.iatp.org/files/2013_03_27_WaterTrading_SV_0.pdf)
27. <https://www.mdba.gov.au/managing-water/water-markets-and-trade>
28. <https://www.reuters.com/article/us-water-trade/factboxwater-trading-schemes-around-the-world-idUSTRE7772GM20110808>
29. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0022169417304614>
30. <https://www.tandfonline.com/doi/full/10.1080/07900627.2018.1457514>
31. <https://www.waterfind.com.au>